KLINIK LABORATOR DIAGNOSTIKADA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH, MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

18 aprel 2023 yil

O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi

www.ssv.uz

Toshkent tibbiyot akademiyasi www.tma.uz

Created with Icecream PDF Editor.
To remove this message purchase the product at www.icecream.com.

Mazkur to‘plamda Toshkent tibbiyot akademiyasining “Klinik laborator diagnostikada innovatsion texnologiyalardan foydalanish, muammolar va yechimlar” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari kiritilgan.

To‘plamga kiritilgan materiallarning mazmuni va sifatiga muallif(lar) javobgar hisoblanadi.

Toshkent – 2023

Icecream PDF Editor.

Tahrir hay'ati

Shadmanov Alisher Kayumovich	Rektor, Tashkiliy qo'mita raisi
Bobomuratov Turdiqul Akramovich	Yoshlar masalalari va ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha prorektor
Boymuradov Shuxrat Abdujalilovich	O'quv ishlari bo'yicha prorektor
Maruf Sakirovich Karimov	Davolash ishlari bo'yicha prorektor
Azizova Feruza Lyutpillaeva	Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor
Saidov Alonur Baxtinurovich	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrasi mudiri
Babadjanova Shaira Agzamovna	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrasi professori
Kurbonova Zumrad Chutbayevna	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrasi dotsenti
Sayfutdinova Zuhra Abdurashidovna	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrasi katta o'qituvchisi

Moderatorlar

Kurbonova Zumrad Chutbayevna	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrasi dotsenti
Sayfutdinova Zuhra Abdurashidovna	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrasi katta o'qituvchisi

Icecream PDF Editor.

CONTENTS MUNDARIJA СОДЕРЖАНИЕ

Абдуллаева М.И., Иноятова Ф.Х., Нарбутаева Д., Ахматова К., Алимов С. Алкоголли ёғли гепатозда биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгаришларини коррекциялаш	**19**
Абдухалилов Ф.Ш., Умурзакова Р.З. Сурункали буйрак касаллигида лаборатор кўрсаткичларнинг ўзгариши.....	**20**
Адилова Н.Ш., Шагазатова Б.Х. Состояние эндотелиальной дисфункции после бариатрической операции ……..	**22**
Айбергенова Х.Ш., Умарова З.Ф., Жабборов О.О., Жуманазаров С.Б. Сурункали буйрак касаллиги билан оғриган беморларда камқонликни ҳудудга боғлиқ хусусиятлари	**23**
Айтмуратова У.Б. Клиническое значения хромогранина а в лабораторной диагностике нейроэндокринных опухолей ……	**25**
Алимов Т.Р., Шевченко Л.И. Эффективность применения нового отечественного кровезаменителя антиоксидантного действия в травматологии ……..	**27**
Ассесорова Ю.Ю., Касимова С.А., Бабаджанова Ш.А. Проведение флюоресцентной гибридизации in situ (fish) у больных острым лимфобластным лейкозом ……	**29**
Ассесорова Ю.Ю., Касимова С.А., Бабаджанова Ш.А. Цитогенетические исследования у больных острым лимфобластным лейкозом ……	**31**
Атабаев С.Н. Замонавий тиббиётда клиник лабаратор инновацияларнинг аҳамияти ……	**33**
Ахмедова Н.Ш., Сулаймонова Г.Т., Шадыева Н.Ш. Изучение лабораторных показателей функционального резерва почек при сопутствующем состоянии гипертонии с сахарным диабетом …….	**34**
Бабаджанова Ш.А., Курбанова Г.Ч. Нарушение обмена железа у больных с диффузно-токсическим зобом ……	**36**
Бабаев Х.Н., Омонов Ш.Р. COVID-19 да ошқозон-ичак тракти …….	**38**
Базарова Г.Р., Неъматов А.С. Ажратилган қўзғатувчиларни назорат қилиш тизими	**41**
Батырова Г.А., Таскожина Г.Е., Серикбаева Н.Р., Умарова Г.А. Оценка содержания кальция методом масс-спектрометрии у подростков западного региона Республики Казахстан ……..	**43**
Бобожонова О.Ш., Курбонова З.Ч. Папаниколау усулида тўқ бўялган ядро рангини очартириш	**44**
Бобожонова Ш.Ш., Топилов И.И., Мардонов Ж.Н. Композит қопланган янги тўр шаклидаги имплантатнинг ўткир ва сурункали токсиклигини ўрганиш	**46**
Дилмуродова О. Биокимёвий қон текширувининг диагностик аҳамияти ……	**48**
Дилмуродова О., Дилмуродова М., Шайкулов Ҳ.Ш. Пешобдаги	**50**

Icecream PDF Editor.

железа 24,7 ± 1,7 мкмоль/л, количество ферритина 50 ± 6,5 нг/дл, трансферрин в крови 3,25 ± 0,2 мкмоль/л и был поставлен диагноз нормохромная анемия или анемия хронических болезней.

Выводы. Пациенты с диффузным токсическим зобом часто страдают анемией. У некоторых пациентов нет дефицита железа, и анемия этих пациентов носит нормохромный характер и называется анемией хронических заболеваний.

Литература.

1. Бабаджанова Ш.А., Курбанова Г.Ч., Курбонова З.Ч. Изучение гематологических показателей при диффузно-токсическом зобе // Проблемы биофизики и биохимии. – 2021. – С. 43.

2. Бабаджанова Ш.А., Курбонова З.Ч. Қалқонсимон без гормонларининг анемия ривожланишидаги патогенетик аспекти // Гематология ва қон хизматининг долзарб муаммолари. – 2005. - С. 96.

3. Бабаджанова Ш.А. Курбонова З.Ч. Распространенность и течение анемии у больных с гиперфункцией щитовидной железы // Қон тизими касалликларининг замонавий ташхиси, даволаниши ва трансфузиология муаммолари. – 2007. – С. 68.

4. Бабаджанова Ш.А., Курбонова З.Ч. Диффуз-токсик буқоқда тиреоид гормонларнинг анемия оғирлик даражаси билан боғлиқлиги //«Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги ютуқлари, муаммолари ва истиқболлари» тезислар тўплами. – 2018. – Б. 20-21.

5. Курбанова Г.Ч., Бабаджанова Ш.А., Курбонова З.Ч. Анализ феррокинетики при диффузно-токсическом зобе // Биофизика ва биокимё муаммолари. – 2021. - Б. 132

6. Курбанова З.Ч., Бабаджанова Ш.А. Тиреотоксикоз ҳар хил оғирлик даражаларида темир алмашинувини баҳолаш // «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини мухофаза қилиш сохасидаги ютуқлари, муаммолари ва истиқболлари» тезислар тўплами. – 2017. Б. 20.

7. Kurbonova Z.Ch., Salamov F.T., Fayzulina L.I. Exchange of iron in patients with diffuse toxic goiter accompanied by iron difficiency anemia // ТТА, Ёш олимлар кунлари,, Toshkent, 2014. № 265-266.

8. Курбанова Г.Ч., Бабаджанова Ш.А., Курбонова З.Ч. Изучение осмотической резистентности эритроцитов при диффузно-токсическом зобе // Биофизика ва биокимё муаммолари. – 2021. - Б. 77

9. Курбанова Г.Ч., Бабаджанова Ш.А., Курбонова З.Ч. Обмен белка при диффузно-токсическом зобе // Биофизика ва биокимё муаммолари. – 2021. - Б. 76

10. Саламов Ф.Т., Ялгашев И.И., Шарипов Ш.Б., Курбонова З.Ч. Protein exchange at the Diffuze toxic goiter // ТТА, Ёш олимлар кунлари. – 2013.

COVID-19 ДА ОШҚОЗОН-ИЧАК ТРАКТИ

Бабаев Х.Н., Омонов Ш.Р.
Тошкент тиббиёт академияси

2019 йил коронавируси ҳозирда ҳам давом этаётган COVID -19 глобал пандемиясига олиб келди. Кўпгина беморларда касаллик белгиларсиз бўлсада, айрим беморларда касаллик оғир кўринишда кечади ва хатто ўлимга

Created in Master PDF Editor. Icecream PDF Editor. PRO

ҳам олиб келади [3]. Бу айниқса сурункали касалликлари бўлган беморларга алоқадор [1].

Коронавирус инфекциясининг дастлабки пайдо бўлган даврида касаллик тўсатдан зўрайиб, оптимал даволаш қилинсада, кўп леталликка олиб келди. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, инфекциянинг патогенези нафақат вирусли пневмония, оғир респиратор етишмовчилик ривожланиши билан, балки кучли гиперкоагуляцион ҳолат вужудга келиши билан боғлиқ эди [4]. COVID-19 билан касалланган беморларда гиперкоагуляциянинг молекуляр механизмлари ялиғланиш билан чамбарчас боғлиқ эканлиги аниқланди [2, 5].

Ушбу инфекциянинг иситма, йўтал, миялгия, чарчоқ ва пневмония каби типик кўринишлари яхши маълум бўлса-да, дастлабки тадқиқотлар диарея каби атипик ошқозон-ичак белгиларининг 1-3,8% оралиғида кам учрашини қайд этди. Бошқа бир тадқиқотда 10,1% диарея ва кўнгил айниши ва 3,6% қусиш билан гастроинтестинал симптомларнинг юқорилигини кўрсатди.

Тадқиқот мақсади. COVID-19 да ошқозон-ичак тракти функциясида келиб чиқадиган патолого-анатомик ўзгаришларни ўрганиш.

Материаллар ва усуллар. Ошқозон-ичак тракти симптомларида ва нажасда вирусни аниқлашга қаратилган иккита йирик клиник тадқиқот олиб борилган. Диарея, кўнгил айниши ва қусиш каби ошқозон-ичак тракти симптомларида SARS-CoV-2 билан касалланган 74 бемор ўрганилди. Ошқозон-ичак тракти симптомлари бўлган 28% беморларда респиратор симптомлари бўлмаган. Бу ерда улар ошқозон-ичак тракти симптомлари бўлмаган беморларга нисбатан беморларнинг ушбу гуруҳи аксар беморлар ҳарорати >38,5 °C, оила бўйича гуруҳланганлиги ва аспартаттрансаминаза даражасининг ошиши бўйича баҳоланганда жигар шикастланишининг даражаси юқорилигини, умуман олганда ўта оғир касалликка эга эканлигини кўрсатди. Ўрганилган SARS-CoV-2 билан касалланган жами беморларнинг 11,4 фоизида ошқозон-ичак тракти симптомлари бўлган, бу аввалги тадқиқотларда қайд этилганидан юқори.

Умуман олганда, диарея 24,2%, кўнгил айниши 17,9%, қусиш 4,2% ва жигар функциясининг бузилиши билан кечадиган ошқозон-ичак симптомлари белгилари 61,1% бўлиб, трансаминазалар 32,6% даражасининг ошиши билан баҳоланадиган кўрсаткич энг муҳим белги ҳисобланади. Шуни таъкидлаш жоизки, 6 нафар беморда эндоскопия текширувини ўтказишди, олти нафар беморнинг учтасида эндоскопия вақтида ошқозон-ичак трактининг турли жойларида SARS-CoV-2 ни аниқлаш мумкинлигини ҳисобга олиб биопсия олинди.

Натижалар. Беморларнинг ярмидан кўпида нафас йўллари намуналари тозалангандан сўнг ўртача 11 кундан кейин нажас намуналарида SARS-CoV-2 РНК га текширилганда ижобий бўлиб чиқди. Яқинда ўтказилган тадқиқот ҳам шуни тасдиқладики, бурун-халқум таҳлили манфий чиққан инфекцияланган 10 боладан 8 тасида, тўғри ичак суртмаларида вирусга таҳлил мусбатлиги тасдиқланди. Таъкидлаш жоизки, SARS-CoV-2 диареяси

Created in Master PDF Editor. Icecream PDF Editor. PRO

бўлмаган икки беморнинг нажас намуналарида электрон микроскопия ёрдамида аниқланган, бу эса инфекциянинг фекал-орал йўл орқали юқишини кўрсатади

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тадқиқотлар COVID-19 нинг ошқозон-ичак трактида тарқалиши, этиологияси ва потенциал механизмлари ҳақидаги тушунчамизга янги тушунчалар беради, бу эса профилактика, клиник ёрдам ва даволаш стратегияларини аниқлаш учун жуда муҳимдир. Симптомсиз беморларда тўғри ичакдан олинган нажас суртмаларида вирусни аниқлаш муҳимлиги, ACE2 SARS-CoV-2 нинг ошқозон-ичак трактига киришига бевосита воситачилик қиладими ва вирус овқат ҳазм қилиш тизимидаги экстремал pH муҳитидан ўтиб қандай омон қолади каби саволлар ва хавотирлар жавобсиз қолмоқда. Асосан симптомсиз ташувчиларда вируснинг тарқалишини назорат қилиш учун нажасда SARS-CoV-2 нинг яшовчанлиги ва юқишини аниқлаш учун кейинги тадқиқотлар олиб борилади.

Хулоса. Ушбу тадқиқотда вирус қизилўнгач, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак ва тўғри ичакда топилган бўлиб, бу вирус бутун ошқозон-ичак трактида мавжудлигини исботлади. Ниҳоят, таҳлил қилинган нажас намуналарининг 52,4 фоизида вирус аниқланди. Шундай қилиб, иккала тадқиқот ҳам COVID-19 касаллигида ошқозон-ичак тракти симптомларининг тарқалишини таъкидлайди.

Адабиётлар.

1. Бабаджанов А.С. и др. Патология коагуляционного гемостаза при циррозе печени и COVID-19 // Вестник Ташкентской медицинской академии. – 2021. - №1. – С. 15-16.

2. Бабаджанов А.С. и др. Анализ частоты и структуры тромбоэмболических осложнений и состояния гемокоагуляции у больных COVID-19 // Инфекция, иммунитет и фармакология. – 2021. - №3. – С. 42-50.

3. Бабаджанова Ш.А., Курбонова З.Ч., Муминов О.А. Частота тромбоэмболических осложнений у больных с коронавирусной инфекцией // Назарий ва клиник тиббиёт. – 2021. - №5. – С. 146-149.

4. Исомиддинова Н.К. и др. Жигар циррози ва COVID-19да коагуляцион гемостаз патологияси // Биофизика ва биокимё муаммолари, 2021. – В. 71.

5. Курбонова З.Ч., Бабаджанова Ш.А. Коронавирус инфекциясида гемостаз патологиясини лаборатор ташхислаш ва даволаш: услубий тавсиянома. Тошкент, 2022. - Б. 14-16.

6. Курбонова З.Ч., Бабаджанова Ш.А. Оценка эффективности антиагрегантной терапии при коронавирусной инфекции // Pedagogical sciences and teaching methods. -2022. - №17. –С. 120-122.

7. Курбонова З.Ч., Бабаджанова Ш.А., Муминов О.А. Лабораторный мониторинг патологии коагуляционного гемостаза у больных COVID-19 // Назарий ва клиник тиббиёт. – 2021. №5. – С. 149-151.

8. Курбонова З.Ч., Бабаджанова Ш.А. и др. Характеристика функции тромбоцитов при COVID-19 // Тошкент тиббиёт академияси ахборотномаси. – 2021. -№1. – Б. 34-36.

Ҳ ІѕѕѕѕнѕѕҳІzdҳj dѕѕвг dzѕѕѕѕеj н ОҳІѕсƒѕѕѕѕѕ Ѡdzƒ ŋ Icecream PDF Editor.
ф ҳІѕсƒѕсƒѕѕz ҳІѕj PRO ѕj ѕѕƒѕŋƒ ѕ , ѕƒѕѕѕвг ІzвѕѕѕІѕ ѕѕѕѕнwdѕѕ ҳ І dѕҳ ҳ.

9. Курбонова З.Ч., Муминов О.А. COVID-19 этиологияси ва патогенези тўғрисидаги замонавий талқин // Назарий ва клиник тиббиёт. – 2021. - №5. – Б. 84-86.

10. Курбонова З.Ч., Муминов О.А. Коронавирус инфекцияси клиник хусусиятлари // Назарий ва клиник тиббиёт. – 2022. - №5. – С. 87-89.

АЖРАТИЛГАН ҚЎЗҒАТУВЧИЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИ

Базарова Г.Р., Неъматов А.С.

[1]Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати

[2]Тиббий ходимларни касбий малакасини ривожлантириш маркази

Патоген материалларни назорат қилиш тизими–PACS (Patogen agents control sistem) - бу марказлаштирилган сақлаш лабораторияларида ва коллекцияларда жойлашган изоляцияланган штаммларни ҳисобга олиш, назорат қилиш учун ишлаб чиқилган ва фойдаланиладиган компютер тизими ҳисобланади. Тизим патоген материалларни қайд этиш ва кузатиш учун хавфсиз,ишончли ва қулай усулни тақдим этади.

Тақдим этган дастурни ишлаб чиқишдан олдин (PACS), ҳар бир текширувдан сўнг бир неча минг штаммнинг паспортлари иш журналларида қўлда ёзиб қайд этилган. Тугалланган ҳужжатлар архивга қўйилди. Юқоридаги барча журналларга ёзиб тўлдириш ишлари учун мутахассислар кўп вақтни йўқотар эдилар. PACS дастурини жорий этиш билан биз бу жараёнда катта вақтни тежашга эришдик.

PACS тизим тўплами қуйидаги аппарат ва дастурий таъминот тўпламидан иборат: компютер иш станцияси, ҳужжатларни чоп этиш учун принтер, принтер ва сканер ускунаси, ёрдамчи дастурий таъминот, PACS компютер дастури.

Тизим тавсифи, асосий афзалликлари тизим томонидан тақдим этилганбир қатор асосий томонларини қайд этамиз.

Биринчидан, тизим микробиологик культура коллекциялари талаблари учун маҳсус ишлаб чиқилган, яъни, Ўзбекистон ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг бошқа республикаларида микробиологик коллекциялар фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларга мувофиқ лойиҳалаштирилган ва ишлаб чиқилган;

МДҲ мамлакатларидаги кўплаб илмий марказлар, шу жумладан карантин ва ўта хавфли инфекцияларни ҳисоботи талаб ва истакларига жавоб беради. PACS дастури бўйича ўтказилган программа билан танишув тренинг машғулотлари давомида карантин ва ўта хавфли инфекцияларни билан ишловчи мутахассисларни бевосита талаблари асосида яратилди ва уларнинг аксарият талаблари амалга оширилди.

Тизимга киритилган маълумотлар асосида қўлланиладиган:

- ҳисобот шаклларига мос келадиган турли форматдаги ҳисобот ва

Created with Icecream PDF Editor. PRO version